ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН САНЪАТКОР

Турсунов Ҳуршид Абдураимович
Термиз давлат университети "Мусиқа таълими" кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада "дунёни ҳайратга солган санъаткор" мавзуси асосида етарлича ёритиб беришга ҳаракат қилинди.

Калит сўзлар: Мусиқа, санъат, Виртуоз, санъаткор, Тантана, мерос, концерт, олимпиада, бастакор, рақс.

Аннотация. В данной статье предпринята попытка достойно осветить тему «художник, удививший мир».

Ключевые слова: Музыка, Искусство, Виртуоз, Художник, Праздник, Наследие, Концерт, Олимпиада, Композитор, Танец.

Abstract. In this article, an attempt was made to adequately cover the topic of "the artist who surprised the world".

Keywords: Music, Art, Virtuoso, Artist, Celebration, Heritage, Concert, Olympics, Composer, Dance.

Йигирманчи асрнинг биринчи ярмида ўзбек ҳалқ санъати довруғи бутун дунёга тарқалди. Республика санъат усталарининг Москва, Санкт-Петербург, Бакуда қўйган концертлари томошабинларни ҳайратга солганди. 1930 йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган олимпиадада иштирок этган Уста Олим Комиловга миллий рақслар бўйича янги усуллар яратган ҳамда аждодлардан мерос бўлиб қолган бир юз йигирмага яқин усулни ёдида сақлагани учун "Виртуоз доирачи" деган ном берилган эди.

1935 йили ўзбек санъаткорлари Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов, Абдуқодир Исмоилов, Тамарахонимлар Англияда ўтказилган халқаро рақс фестивалида қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар. Ўн мингга яқин томошабин йиғилган Лондон шаҳридаги муҳташам санъат кошонаси Альберт-Хиллда турли мамлакатлардан келган санъаткорлар қаторида Ўзбекистонлик санъаткорлар ҳам ўз санъатларини намойиш қилдилар. Доирачи Уста Олим Комилов ўзбек миллий рақслари "Қари наво" ҳамда "Пилла" рақси куйини маромига етказиб ижро қилганда, Альберт-Хилл санъат кошонаси гулдурос қарсаклардан ларзага келди. Хатто белгиланган вақт адоғига етганда ҳам томошабинлар ўзбек санъаткорларини саҳнадан қўйиб юборишмайди. Улар Уста Олимдан доира куйларидан яна чалиб беришни илтимос қилишади. Шунда у ўзбек халқ куйларидан "Ноғора ўйини" ва "Тантана"ни чалиб бериб, уларни яна ҳам лол колдирди. Концертда ҳозир бўлган Англия қироличаси Елизавета I куй тугагандан сўнг саҳнага чиқиб, Уста Олимнинг доирасини қўлига олиб томоша қилади ва ўзбек санъаткорининг мўъжизакор бармоқларидан гипсга нусха олиб, Лондон музейига қўйишни буюради. Бу бармоқлар нусхаси ҳамон музейда сақланади. Рақс фестивалида беш нафар санъаткор олтин медалга сазовор бўлган бўлса, шундан иккитаси ўзбек санъаткорларидан Уста Олим Комилов ва Тамарахонимлар эди. Лондон сафаридан сўнг Уста Олим Комиловнинг

довруғи Европага ёйилиб, овоз ёзиш фабрикасида унинг доирадаги ижросида юзга яқин усуллар ёзиб олинган.

Уста Олим Комилов доира учун яратган асарлари халқ меросининг ажралмас мулкига айланиб кетган. Уларнинг айримлари ҳақида қисқача маълумотлар:

Катта ўйин. *Катта ўйин (ноғора ўйин) - қадимий рақслардан бўлиб, одатда халқ байрамлари ва тўй-тантаналарида, катта майдонларда ноғора, карнай-сурнай жўрлигида ижро этиган. Рақснинг кўшалоқ номланиши унинг мусиқий жўрлиги, нисбатан давомли ижро этилишидадир. "Катта ўйин " рақси Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин " мусиқий операсига киритилган. Рақс тантанавор тарзда ашула билан ижро этилган. Уста Олим Комилов ашулаларнинг усулларини жамлаб тартибга келтирган.*

Пилла. *Уста Олим Комилов томонидан яратилган бу мусиқий асарни Мукаррама Тургунбоева доира жўрлигида концерт номери сифатида саҳналаштирган. Рақсда пилла қуртларининг тут барги билан боқилиши, шойи матосини тўқиш ва белбоғ - қийиқча тикиш жараёни бошдан-охиригача акс эттирилган.*

Кўқонча. *Водийга хос бўлган усуллар мажмуаси Кўқонда қадимдан мавжуд бўлган халқ оғзаки ижоди, хусусан, лапар, ялла ва бошқа айтишувларга асосланган.*

Тантана. *Тўй, тантана ва байрамларда ижро этишадиган усуллар тантанавор, байрамона оҳангда жаранглайди.*

Довул. *"Довул " — икки хил маънони англатади. Биринчиси, кучли бўрон, иккинчиси, овчилар, тўпчи қоровуллар ёки ҳарбийлар учун белгиланган махсус ноғора. Ушбу усуллар, момақалдироқ, чақмоқ каби табиат ҳодисаларини тасвирлайди.*

Шодлик. *"Шодлик"да инсон ҳаётидаги қувончли кунлар, яшашдан завқланиш, яхши кайфият тасвирланган. "Шодлик " ашула ва рақс ансамбли Уста Олим Комилов ижодига мансуб доира ижросидаги ушбу куй номи билан аталган.*

Қўшқарсак. *Ушбу асар XX асрнинг йигирманчи йилларида туркум кўринишда вужудга келган бўлиб, икки зарб маъносини англатади. Доира чолғусида созанданинг иккала қўл иштирокида ижро этиши ва шу билан бирга, доирада иккита асосий зарб - "бум " ва "бак" усуллари ҳам бу номланишга асос қилиб олинган. Устоз доирачшар "Кўшқарсак"ни доира ижрочилигидаги барча усулларнинг асоси, дея таърифлаганлар.*

Бурулча. *"Бурул" сўзининг луғавий маъноси холдор кўкиш отни англатади. Рақсда эса, чаққон буршиб, айланиб ўйнаш маъносини беради.*

Уста Олим Комилов халқимиз асрлар бўйи эъзозлаб келган чолғу асбоби - доирада камолот касб этганидан ташқари, раққос, бир неча мусиқа чолғуларининг моҳир ижрочиси сифатида халқ меҳрини қозонган санъаткор эди. У чанг, дутор, ноғора, доираларни ўзи ясар ва бу чолғуларда чалишни ҳам маромига етказарди. "Гул ўйин", "Занг", "Садр", "Пилла" каби санъат

асарларини у Тамарахоним билан ҳамкорликда яратган. У оддий ижрочи эмас, балки хореография постановкачиси ҳам эди. "Фарҳод ва Ширин", "Гулсара" мусиқали драмаларидаги ҳамда "Бўрон", "Буюк канал" операларидаги миллий рақсларнинг ижодкори ҳам Уста Олим Комилов бўлган.

Марғилонда тўқувчи-косиб оиласида дунёга келган Уста Олим Комилов таваллудига бу йил баҳорда 147, Лондон фестивалида иштирок этганига эса 87 йил тўлади. Халқ санъатини юксак даражада дунёга намойиш эта олган санъаткор яратган асарлар умри боқийлиги унинг номига ҳам абадийлик бахш этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. https://arboblar.uz/uz/people/kamilov-usta-olim
2. Вызго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. - М., 1980, 15-бет.
3. Bekzod Bahrom O'G'Li Choriyev (2022). O'zbekistonda xalq cholg'ularining takomillashuv jarayonlari hamda ko'p ovozli orkestr va ansambllarning tashkil topishi. Science and Education, 3 (4), 776-780.
4. URL:https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbekistonda-xalq-cholg-ularining-takomillashuv-jarayonlari-hamda-ko-p-ovozli-orkestr-va-ansambllarning-tashkil-topishi
5. XO Boboramazonovich, Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2022.
6. URL:https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=1BkDoSMAAAAJ&citation_for_view=1BkDoSMAAAAJ:Y0pCki6q_DkC.
7. Boboramazonovich, K. O. (2022). CHARACTERISTICS OF THE PERFORMANCE OF PEOPLE IN ALLAH, LAPARS, SPEECH IN THE SURKHAN VOLUME. ТАЪЛИМ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 95-102.
8. URL: http://www.sciencebox.uz/index.php/ajed/article/view/1517
9. Choriyev, B. B. (2019). Ideological bases for the modernization of Uzbek folk instruments. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 83-87.
10. URL: https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42657401
11. DOI: 10.15863/TAS.2019.12.80.17
12. https://ru.wikipedia.org/wiki/
13. http://www.classicmusic.uz/usta_olim_komilov_uz.htm